O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV. №



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 19 ноябрь жума

Сотувда эркин нархда № 229 (2267)



# ЕХҲТНИНГ ИСТАМБУЛ САММИТИ

**ИСТАМБУЛ (18 ноябр. ЎзА махсус мухбири Беҳзод УСМОН хабар қилади).** Хабар қилинганидек, Туркиянинг Истамбул шаҳрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо 54 мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтмоқда. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

ЕХҲТнинг бешинчи бор ўтказилаётган саммити кун тартибидаги асосий масала ташкилотга аъзо мамлакатларнинг XX1 асрдаги хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим бўлган Европа Хавфсизлик Хартиясини қабул қилишдир. ЕХҲТ Шимолий Америкадан Узоқ Шарққача бўлган улкан ҳудудни қамраб олишини инобатга олсак, бу ҳужжат яқин келажакда бутун дунёда ҳарбий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга қаратилганини кўриш мумкин.

Шунингдек, анжуманда Истамбул декларацияси, Европада одатий қуролли кучлар бўйича янгиланган шартнома, ишонч чоралари бўйича Вена ҳужжати имзоланиши кўзда тутилаётир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов саммитда иштирок этаётган давлат раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб сўзга чиқди. Айтиш жоизки, бунда Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо давлатлар орасида тутган юқори мавқеи, минтақа хавфсизлигини таъминлашдаги етакчи аҳамияти эътирофининг ифодаси мавжуд. Давлатимиз раҳбари ЕХҲТнинг бугунги фаолияти, келажакдаги вазифаларига тўхталиб, унинг минтақавий можароларни бартараф этиш, террорчилик ва экстремизмга қарши курашдаги воситачилик аҳамияти ва иштирокини кучайтириш лозимлигига эътибор қаратди. Бунинг учун ташкилот, ўз номи ва нуфузига мос равишда, том маънодаги хавфсизлик йўлидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириши зарурлигини таъкидлади. Зеро, бу масалаларни ҳал этишда умумий гаплардан амалий ишга ўтиш фурсати аллақачон келган.

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Истамбул саммитида сўзлаган нутқи

Муҳтарам Раис!

Муҳтарам давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Энг аввало, мазкур саммитнинг ташкил этилишига ўз ҳиссасини қўшган барча кишиларга, шунингдек, Туркия Президенти жаноб Сулаймон Демирэлга самимий кутиб олганлари ва меҳмондўстликлари учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Биз даҳшатли зилзила офатларига матонат билан дош берган Туркия халқига ўз бирдамлигимизни изҳор этамиз.

Ишончим комилки, Истамбулда мазкур учрашувнинг ўтказилиши, кун тартибидаги асосий масала — Европа Хавфсизлик Хартияси лойиҳасининг муҳокама этилиши, тобора ривожланаётган ҳамкорлик ва давлатлараро интеграция жараёнлари билан бирга, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка қилинаётган таҳдидлар ҳам кучайиб бораётган бир пайтда ЕХҲТнинг ўрни ва мавқеини ошириш борасидаги янги қадамдир.

Ўйлайманки, бугунги кунда халқаро майдонда "совуқ уруш" кўринишлари ўрнини бир-бири билан бирлашиб, тобора кенг кўламли ва ҳужумкор моҳият касб этаётган ашаддий миллатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби иллатлар эгаллаётганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Бунинг ёрқин исботини Марказий Осиё ва бошқа минтақалар мисолида кўриб турибмиз.

Бугунги кунда биз радикал кайфиятдаги марказларнинг диний экстремизм ва терроризмни тарқатишга қаратилган узоқни кўзловчи режаларига, минтақа давлатларини ўзлари танлаган демократик, ҳуқуқий ва дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уриниши ҳолларига дуч келмоқдамиз.

Буни Тожикистондаги воқеалар, яқинда Тошкентда юз берган портлашлар, босқинчилар гуруҳларининг мустақил Қирғизистон жанубига сурбетларча бостириб кириши ҳамда барчага маълум бошқа фактлар исботлаб турибди.

Бундай режаларнинг амалга оширилиши учун Афғонистон асосий майдон вазифасини ўтамоқда. 20 йилдан буён фуқаролар уруши давом этаётган бу мамлакат турли тоифадаги халқаро террористлар ва ақидапарастлар бошпана топиб, тайёргарлик кўраётган синов лагерига, асосан наркотик моддалар етиштириш ва сотишдан олинган даромад ҳисобига кун кўрадиган мамлакатга айланиб қолди.

БМТ маълумотларига кўра, жаҳонда гиёҳванд опиумнинг 75 фоизи Афғонистонда етиштирилмоқда. Унинг 90 фоизи бевосита Европада тарқатилмоқда.

Барчага шу нарса яхши аён бўлиши керакки, токи Афғонистонда уруш давом этар экан, хавфсизлик ва тинчликка, қўшни Марказий Осиё давлатларидаги демократик янгиланишлар ва ислоҳотларга бўлган хавф, халқаро терроризм манбаи сақланиб қолаверади ҳамда терроризмнинг минтақа чегарасидан ташқарига тарқалиши хавфи ҳам йўқолмайди.

Шу муносабат билан, янги Хавфсизлик Хартияси лойиҳасини муҳокама этар эканмиз, қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман:

1.ЕХҲТ минтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиё бўйича минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда янада фаолроқ бўлиши лозим.

Бу ўринда ЕХҲТ масъулияти остидаги минтақаларда барқарорлик ва тинчликни издан чиқаришга қодир бўлган ташқи таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор бериш зарур.

2. ЕХҲТ ва унинг тузилмалари томонидан инсон ҳолатини тобора яхшилаш масалаларига берилаётган ниҳоятда катта эътибор, айниқса, яқинда демократик янгиланиш йўлига кирган янги мустақил давлатлар учун ўта муҳим ва зарур эканига шак-шубҳа йўқ.

Шу билан бирга, мазкур ташкилотнинг асосий мақсадини ҳисобга олган ҳолда, ЕХҲТнинг фаолияти халқаро зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган халқаро орган сифатидаги вазифаларини аниқ белгилаб олиш, шунингдек, унинг иқтисодиёт ва экология соҳаларида тутган ўрнини мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бу вазифаларни амалга оширишда АҚШнинг ЕХҲТ доирасида Тезкор фуқаролик корпусини (REACT) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўл келиши мумкин.

3. Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим.

ЕХҲТнинг Марказий Осиё бўйича амалдаги раисининг элчи Вильгельм Хойнг бошчилигидаги махсус комиссия томонидан тайёрланган Маърузаси ҳақида тўхталмоқчиман.

Биз Маърузадаги Марказий Осиё давлатларининг ЕХҲТ томонидан қабул қилинган умумий хавфсизлик концепциясини сўзсиз бажариш асосида ЕХҲТ институтлари ва тузилмаларига интеграциялашувига доир баҳо ва таклифларни қўллаб-қувватлаймиз.

Айни пайтда таклиф этилаётган "ЕХҲТнинг йиллик тадбирлари тақвими"ни ЕХҲТнинг бевосита шафелигида минтақанинг бой табиий заҳираларидан, биринчи галда, энергетика ва сувдан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, газ ва нефт қувурларини қуриш, экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ иқтисодий лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишига доир чора-тадбирлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Марказий Осиёдаги беш мамлакатнинг барчаси, шунингдек, Европа Иттифоқи бўйича ҳамкорларимиз ҳам бундан манфаатдордир.

Шу билан бирга, хавфсизликнинг бўлинмас, ягона экани борасидаги асосий тамойил ҳамда янги Хартияда бизнинг ЕХҲТнинг эркин демократик ва ягона маконини барпо этишни қатъий равишда қўллаб-қувватлашимизни ҳисобга олган ҳолда, фақат Марказий Осиё учун мўлжалланган қўшимча бюрократик тузилмаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

Жаноб Раис!

Ўзбекистон онгли равишда Европага интеграциялашувга интилмоқда, у ўз келажагини демократик давлатлар ҳамкорлигида кўради.

Биз бунда жамиятимизни демократлаштиришнинг зарур шарт-шароитларинигина эмас, Марказий Осиё минтақаси ҳамда бутун ЕХҲТ маконининг хавфсизлиги кафолатини ҳам кўрамиз.

Биз ЕХҲТ қадриятлари ва идеалларига садоқатимизни яна бир бор изҳор этамиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.




# САЙЛОВЧИ — ОЛИЙ ҲАКАМ

Мана, маҳаллий Кенгашлар ҳамда Олий Мажлиснинг вакиллик органларига депутатликка номзодлар рўйхати бир вақтнинг ўзида матбуотда эълон қилинганга ҳам анча кун бўлди. Илгариги сайлов кампанияларидан фарқли равишда бу сафар ҳар битта сайлов округидан муқобиллик асосида — учтадан етти нафаргача номзодлар кўрсатилганлигига амин бўлдик.

Турган гапки, сайлов жараёнида демократиянинг бундай тарзда намоён бўлиши сайловчилар олдига номзодлар орасидан кимни депутат этиб сайласам экан, Конституция ва қонун ҳужжатларида берилган ўз ваколатларимни ҳокимиятнинг маҳаллий ва олий органларида кимга ишонсам экан, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларимни номзодлардан қайси бири тузукроқ ҳимоя қила олар экан, деган саволларни кўндаланг қўяди.

Бу саволларга ечимни халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг амалга ошираётган ишига ва улардаги депутатларнинг қобилиятига баҳо бериш йўли билан топиш мумкин.

Кенгашлар ўз ваколатларини ўзининг сиёсий, ишчанлик хусусиятлари ва шахсий фазилатлари билан сайловчилар ишончини қозониб, депутатлик рутбасини олган, бинобарин, жамиятимиз фуқароларининг сараси ҳисобланган кишиларнинг фаол ва бевосита иштирокида амалга оширади. Шунинг учун ҳам депутатликка номзод мавжуд муаммоларни кенг қамровда кўра оладиган ва уларни ҳал қилишга жамиятимизнинг ривожланиш босқичини, шунингдек, сайловчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ёндашадиган шахс бўлмоғи лозим.

Ҳокимиятнинг вакиллик органига сайланадиган шахсга ўз касби бўйича ҳам, жамоат вазифаларини бажариш борасида ҳам бошқаларга нисбатан кўпроқ меҳнат қилишига тўғри келади. Одатда депутатликка бор куч-қувватини кўпчиликнинг бахт-саодати йўлида сарфлашга тайёр бўлган шахсларни сайлайдилар. Депутат ташкилотчилик, етакчилик, бошқаларни ўзига эргаштира олиш, бирон-бир масала ҳал этилаётганда фикр ва мулоҳазалар бера олиш, ўзгалар фикрига ҳурмат билан қараш, оғир дамларда ҳамдард бўла олиш, бошланган ишни охирига етказиш, янгиликларни тез илғай олиш, қонунлар бузилиб ҳақ-ҳуқуқ поймол этилган ҳолларга нисбатан муросасиз бўлиш, кўзланган мақсад йўлида собитқадамлик кўрсата олиш каби фазилатлари билан ажралиб туриши лозим. Ўз фаолияти давомида унга муайян масала юзасидан мансабдор шахслар билан бақамти бўлишга ва муаммони ҳал этиш сари уларни мантиқ кучи билан ундашга тўғри келади. Шунинг учун ҳам депутат кўзлаган мақсадига бошқаларни ишонтира биладиган ва уларда бу масалани ҳал қилишда шахсий жавобгарлик ҳиссини уйғота оладиган бўлиши керак.

Комил ишонч билан айтиш жоизки, ҳамма нарсага бефарқ қараш, лоқайдлик иллатига чалиниб, депутат бўлишни фақат обрў деб биладиган шахслар депутат бўлмасликлари лозим. Зотан, бундай шахслардан на сайловчиларга, на жамиятга наф бор.

Хўш, депутатликка номзодлардан бирини танлаш жараёнида нималарга эътибор бериш зарур?

Аввало, депутатнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги иштироки нималардан иборат эканлигини яхши билиш лозим. Уларнинг бундай фаолиятлари Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисидаги Қонунда белгилаб берилган.

Депутатлар тегишинча вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг ишида иштирок этиб, ҳудудни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал этадилар. Қонунлар ва давлат ҳокимияти юқори органлари қарорларининг жойларда ижро этилишини назорат қиладилар. Олий Мажлис ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириши депутатларнинг қонунлар тайёрлаш ва уларни қабул қилишда, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари Конституцияларида олий вакиллик органларининг ихтиёрига берилган масалаларни ҳал қилишда ташаббускорлик билан фаол иштирок этишига асосланади. Давлат вакиллик органларининг ҳамма бўғинидаги депутатлар ўз фаолиятларида сайловчиларнинг, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган тегишли сиёсий партиянинг ёки тегишли ҳокимият вакиллик органи ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи тимсолида эса ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳининг манфаатларини ифода этадилар.

Ана шу вазифаларни адо этадиган номзод танланаётганда, биринчидан, унда бунга хоҳиш, иккинчидан, маълум бир ҳаётий тажриба ва билим, шу жумладан, ҳуқуқий билим бўлса, сайланган вакиллик органининг иши жонланиб, ҳамма масалалар малакали ҳал қилинади ва пировард натижада эса округ сайловчилари ва бутун халқ ютади.

Муқобил номзодлар орасидан кимга овоз бериш хусусида бирор тўхтамга келиш учун улар келгусида амалга оширмоқчи бўлган дастур билан танишиш ҳам муҳимдир. Номзоднинг сайловолди дастуридан сиёсий жиҳатдан унинг қанчалик етуклигини, унда сайловчиларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳал этиш йўллари қай даражада акс эттирилганини билиб олиш мумкин. Номзоднинг дастури уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ёки ҳокимият вакиллик органининг дастуридан тегишли ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, иш жабҳаси аниқ белгилаб олинганлиги ва депутатнинг унга ижодий ёндашганлиги билан фарқ қилади. Сайловолди дастурига ўзгартириб бўлмайдиган чора-тадбирлар йиғиндиси сифатида қарамаслик керак. Чунки номзод сайловолди учрашувлари давомида, сайланиб қолгудек бўлса, ундан кейин ҳам округ билан яқинроқ танишади, унинг бевосита иштирокида ечимини топадиган муаммоларни яхшироқ англаб олади ва бунинг натижасида депутатнинг дастури иш давомида келиб чиқадиган янги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда янада кенгайиб ва бойиб боради.

Дастурда депутатликка номзод амалга оширмоқчи бўлган истаган тадбирини баён этиши мумкин. Лекин унинг дастури мамлакат суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний хусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги кераклиги қонун билан белгилаб қўйилган.

Ҳамма соҳаларда ўсиш ва ривожланиш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда маълум даражада тайёр бўлмаган шахслар ҳам депутатликка интилиши табиий бир ҳолдир. Шундайлар ҳам борки, улар, аввало, шахсий манфаатларини кўзлаб ёки бирон-бир гуруҳларнинг мақтовига учиб, ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериб, депутатликка интиладилар. Мана шундай ҳолларда номзоднинг асл қиёфасини яхши биладиганлар сайловчиларга уларни сайлаб хато қилиб қўймасликларида ёрдам бермоқлари лозим. Бинобарин, қонун сайловчиларга кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқини беради.

Депутатликка номзоднинг фазилатларини сайловчидан ортиқ ҳеч ким билмайди ва номзод ҳақида хулоса чиқаришда у энг олий ҳакамдир. Овоз бераётган пайтда сайловчи муқобил номзодларнинг барча жиҳатларини ўзининг адолат тарозусига солиб, атрофлича ўйлаб, ўз муносабатини билдирса, маҳаллий Кенгашлар, Олий Мажлис ҳар томонлама билимли, халқпарвар, оқил ва зукко депутатлардан ташкил топади ва халқнинг бахт-саодати йўлида қилинаётган ишларга давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшадиган улуш кундан-кунга ортиб боради.

**Абдуқаҳҳор ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти юридик бўлимининг бошлиғи.**

# ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

18 ноябр куни Сеулда Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси В. Фен Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Жунгга ишонч ёрлиғини топширди.

Корея Президенти Ўзбекистон элчиси билан суҳбат чоғида Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг барқарор ривожланаётганини таъкидлаб, Корея ҳукумати икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга тайёр эканини айтиб ўтди.

Шунингдек, Ким Дэ Жунг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мазкур мамлакатга яқинда қилган расмий ташрифи тўғрисидаги таассуротлари билан ўртоқлашди.

**«Жаҳон» АА.**

Дил изҳори

# ҚИШЛОҒИМИЗГА ГАЗ КЕЛДИ

***Турмушимизда дилдан қувонишга арзийдиган ҳодисалар кўп. Масалан, бир жойда мактаб қурилаяпти, кимдир фарзандига уй солаяпти. Кимнингдир боласи хорижда ўқиб келмоқда.***

***Яқинда бизнинг ҳаётимизда ҳам қувончли воқеа содир бўлди. Йиллар давомида газ ёнмаган қишлоғимизга ниҳоят «зангори олов» келди.***

Очиғини айтганда, биз газсиз қийналиб қолаётганимиз ҳақида Президентимизга хат ёзиб, газ ўтказишда ёрдам беришларини сўраган эдик. Кўнглимизда, давлат раҳбарининг иши кўп бўлса, биздек оддий фуқароларнинг хати билан танишишга фурсат топа олармиканлар, деган иккиланиш ҳам бор эди.

Қувончли томони шундаки, мурожаатимиз эътиборсиз қолмади. Тез кунда хонадонларимизда «зангори олов» ёнди. Қишлоғимизда ёшу қари Юртбошимизни алқамоқда. Шу ўринда бир гапни айтмоқчимиз: қанийди баъзи боқибеғам қуйи раҳбарлар ҳам Юртбошимиздан ўрнак олишса.

Биз — ўз умримизда унча-мунча нарсани кўрган, ҳар хил кунларни бошдан кечирган кишилармиз. Ҳаёт тажрибамизга таяниб, бир нарсани комил ишонч билан айтмоқчимиз: давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан узоқ қишлоқларга ҳам газ, ичимлик суви бораяпти, равон йўллар ётқизилаяпти, қишлоқларда транспорт қатнови меъёрга тушмоқда.

Мустақиллик нима берди, деган саволга ҳаётимиздаги шу ўзгаришлар энг муносиб жавоб бўлади, деб ўйлаймиз.

***Фарғона вилояти Бувайда туманидаги Янгиқишлоқ фуқаролари номидан,***

**Ҳакимжон ЙЎЛДОШЕВ,**
**Йўлдошали НАЗАРОВ,**
**Абдураҳим МАНСУРОВ**
**ва бошқалар**
**(жами 44 имзо).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

# Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

***Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик ҳосил бўлишига йўл қўймаслик ва иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши ҳамда ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш юзасидан вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг иш ҳақи ўз вақтида берилишини таъминлаш ва ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича ишлари қониқарсиз деб эътироф этилсин.

Белгилансинки, вазирликлар ва идораларнинг, хўжалик юритувчи субъектлар ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг биринчи раҳбарлари иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш ва ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб берадилар.

2. Вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари:

бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли бўлинмаларда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳолатини хатловдан ўтказсинлар ва мавжуд қарзларни тўлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар;

дебиторлик қарзларини ундириш ва ўзларига қарашли корхоналар ва ташкилотларда иш ҳақи бўйича мавжуд қарзларнинг 1999 йил 1 декабргача тўлиқ тўланишини таъминлаш учун ўзларининг бошқа ресурсларини сафарбар этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан доимий назорат ўрнатсинлар, тўловлар кечиктирилишининг ҳар бир ҳолатини ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича минтақавий комиссиялар мажлисларида кўриб чиқсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси банкрот корхоналарни тугатиш комиссиялари билан биргаликда қарздорлардан маблағларни ундиришни ҳамда мол-мулкни сотишни жадаллаштириш чора-тадбирларини кўрсин, олинган маблағларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзларни тўлашга йўналтирсин.

5. Тижорат банклари:

меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтириладиган мақсадли маблағлар ҳаракати ва уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан белгиланган мақсадлар учун қатъий фойдаланилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатсинлар;

иш ҳақи тўлаш учун олинган нақд пул маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланилмаслигининг ҳар бир ҳолати бўйича материалларни мазкур ҳолат аниқланган кундан бошлаб 5 кун мобайнида прокуратура органларига берсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси иш ҳақи бўйича қарзларни тўлашга йўналтирилган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаслигига йўл қўяётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортилиши устидан назоратни кучайтирсин.

7. Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси:

шаҳарлар асоси бўлган корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзларини белгиланган муддатларда тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича тезкорлик билан аниқ чора-тадбирлар кўрсин ва қарорлар қабул қилсин, маблағлар ҳаракати схемасини белгиласин;

вазирликлар ва идораларда иш ҳақининг тўланишини ҳар ўн кунда кўриб борсин, раҳбарларнинг масъулиятини белгиласин. Чора-тадбирлар кўрилмаган ва маблағлардан мақсадли фойдаланилмаган ҳолларда материалларни айбдорларни жавобгарликка тортиш учун прокуратура органларига берсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси 1999 йил ноябр-декабр ойларида жорий иш ҳақи тўлаш ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан режали ҳисоб-китобларни таъминлаш учун пахта етиштирувчи хўжаликларга 2,0 миллиард сўм, "Ўзкимёсаноат" уюшмаси корхоналари ва ташкилотларига — 500 миллион сўм миқдоридаги мақсадли маблағларни махсус траншлар билан ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ходимларга иш ҳақи тўлашга ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаслигига йўл қўяётган корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларини жавобгарликка тортиш бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Б.Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 17 ноябрь.

# ҚИДИРУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЯНГИОБОД. (ЎзА махсус мухбири Мусулмон Номозов хабар қилади). 15 ноябр куни Тошкент вилоятининг Янгиобод аҳоли пункти яқинида уч қўриқхона ходими ҳамда уч нафар милиция ходимининг ҳаётига зомин бўлган террорчиларни қидириш давом этмоқда. Ҳабар қилинганидек, 16 ноябрда 5 нафар қуролли жиноятчи яширинган жойида қуршаб олинган ва қириб ташланган эди. Дастлабки суриштирув ишларининг натижасига қараганда, тоғларда яна ўн нафардан ортиқроқ жиноятчи яшириниб юрибди. Ҳозир Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматларининг махсус бўлинмалари ялпи тозалаш тадбирини ўтказмоқда. Даралардаги жиноятчилар яширинишни мумкин бўлган барча пана-пастқам жойлар текшириб чиқилмоқда. Бу ишларда ҳарбийларга маҳаллий аҳоли, айниқса, овчилар яқиндан ёрдам бераётир. Жиноятчилар қўшни мамлакатларга ўтиб кетиши мумкин бўлган барча йўл ва сўқмоқлар тўсиб қўйилган.

Тозалаш тадбирига бошчилик қилаётган штабда ишчан вазият ҳукмрон. Масалалар ўз жойида ва зудлик билан ҳал этилаётир. Янгиободда ва атрофдаги бошқа аҳоли пунктларида илгаригидек тинч ва осуда ҳаёт давом этаётир.

**(ЎзА).**

# ВАТАН БАЙРОҒИ МАНГУ ҲИЛПИРАЙВЕРСИН!

Буюк аждодларимиз Ватан ва миллат тимсоли бўлган Байроқни нақадар азиз ва мўътабар тутганлиги, улуғ жангларга муқаддас туғро остида киргани ҳақида тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бобокалонимиз Амир Темур ҳам юрт Байроғига "Куч — адолатда" деб ёздириб, уни азиз ва муқаддас тутгани, ана шу туғро остида мамлакат ва миллатни жипслаштиргани бежиз эмас.

Бугунги кунда ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бораётган халқимиз ўзининг муқаддас Ватан тимсоллари, хусусан, ўз Байроғига эга эканини ғоят ифтихорлидир. Давлатимиз суверенитетини яққол ифодаловчи Байроғимиз қабул қилинганига саккиз йил тўлди. Республика "Маънавият ва маърифат" марказида мамлакатимизнинг таниқли олим ва ёзувчилари, маданият намояндалари, жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган тантанали анжуман ана шу қутлуғ санага бағишланди.

Жаннатмакон юртимизнинг такрорланмас табиатини, тарихини ва энг яхши анъаналарини ўзида тўлақонли акс эттирган Байроғимиз мамлакатимиз расмий делегацияларининг хорижий давлатларга сафари чоғида, халқаро ташкилотларда, жаҳон кўргазмаларида ва спорт мусобақаларида суверен Ўзбекистон тимсоли бўлиб хизмат қилмоқда. Айни вақтда халқимизни ўз атрофида тобора жипслаштиришга, дунёга юз тутишига ёрдам бериб келмоқда.

Байроғимизни азиз ва мўътабар тутишимиз, уни тавоб қилишимизда чуқур рамзий маъно бор. Анжуманда сўзга чиққан таниқли адиб Пиримқул Қодиров ва бошқалар Байроғимиздаги мовий, оқ ва яшил ранглар, ярим ой, юлдузлар — буларнинг барчаси минг йиллар давомида шаклланган миллий қадриятларимизни ўзида акс эттиргани билан ардоқли эканини қайд этдилар.

Анжуманда туғромиз ва Ватанимиз бошқа рамзларини ёш авлод ўртасида чуқур тарғиб қилиш, ана шу муқаддас тимсолларни ардоқлаш ва фарзандларимизни уларга ҳамиша содиқлик руҳида тарбиялаш ишларини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# «ДАВР, САЙЛОВ ВА АЁЛ»

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида ана шу мавзуда анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзоди кўрсатилган аёллар иштирокидаги мазкур йиғилишни Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова бошқарди.

Анжуманда таъкидланганидек, бўлажак сайловлар мустақил Ватанимиз ва унинг бунёдкор халқи ҳаётида жуда катта ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-маърифий аҳамиятга молик воқеадир. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг 14 фоиздан зиёдини ўз фидокорона меҳнати билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлаётган аёллар ташкил этади. Уларни қўллаб-қувватлаш, сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этишда кўмаклашиш, сайловнинг юқори савияда ўтказилишига эришиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада хотин-қизлар қўмиталари барча бўғинлари фаоллигини ошириш талаб этилади. Жумладан, вилоят, туман, шаҳар ва маҳалла хотин-қизлар қўмитаси бўлимлари мутасадди ташкилотлар ёрдамида ҳар бир фуқаронинг онгли равишда шахсан овоз беришига эришиш ва сайловни юксак савияда уюшқоқлик билан ўтказишда фаоллик кўрсатиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б.Шодиева йиғилишда сўзга чиқиб, бўлажак сайловга пухта ҳозирлик кўриш, уни Конституциямиз ва сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ тенг ҳуқуқлилик, ошкоралик ва адолат тамойиллари асосида ўтказилишини таъминлаш масалаларига тўхталди.

**Т.БОТИРБЕКОВ**
**(ЎзА).**




**Уларнинг ҳар бири адоғи далаларга бориб тақалувчи қишлоқ кўчаларини ялангоёқ чангитиб улғайган. Зовурнинг ташлама сувларида чўмилиб, чиниққан. Ёлғизоёқ йўллар четидаги тут қаторлари орасида кўй-кўзи боққан. Варрак учириб, ширин орзулар оғушида кўкка термулган. Қармоқ ташлаб, балиқ овлаган. Ўзидан катталарга қўшилиб, шолизорда бошоқ терган. Бугун эса...**

## СУВ ОСТИДАГИ МИЛЛИОНЛАР

Узун-узун кокилларини зовурнинг зилол сувларига чайган мажнунтол остидаги сўри кўпинча узоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан банд бўлади. Айниқса, оқшом пайтлари. Сувдан бир метрча юқорида осилиб турган электр чироғи порлаши билан балиқлар гала-гала бўлганича ўша нур томон сузиб кела бошлайди. Бир бурда нонми ёки бошқа емишми ташлангудай бўлса, ана энди балиқлар рақсини кўринг. Бири қўйиб, иккинчиси сувни шалоплатганча тепага сапчийди. Шунда жониворларнинг сон-саноқсиз тангалари ярақлаб кетади...

Шу манзарани кузатарканман, хаёлимдан ушбу фикрлар кечди. Биз кўпинча гўзаллик олдида лолу ҳайрон қоламиз. Ҳайратимизни яширолмаймиз. Унинг ижодкори ақл-идрокига, дидига, маданиятига қойил қоламиз, тан берамиз-у, бироқ бизни ўзига мафтун этган ўша гўзалликни ҳар биримиз ҳам бемалол яратишимиз мумкинлигини хаёлга келтирмаймиз. Ҳолбуки, бунинг учун кўпмас, озгина ҳафсала, қунт, сабр-тоқат, ақлни ишлатиш талаб этилади.

Шаҳобиддин ана шу гўзалликни яратиш, яъни миллионлардан дарак бериб турган бойликни қўлга киритиш учун йиллаб терга тушиб меҳнат қилгани, асабини қақшатгани, кунлар, ҳафталарни бесамар совургани йўқ. У эрта баҳорда ўзи туғилиб ўсган Тўрткўл қишлоғининг далаларини обдон айланди. Сизот сувларини қочириш учун қазилган зовурларнинг ҳолатини ўрганди. Ва ниҳоят, ўн икки гектарлик боғнинг қуйи қисмидан ўтган зовурни кўз остига олди.

— Шу ерда балиқ боқмоқчиман, — тиш ёрди у «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Қобилжон ака Маҳкамовга.

— Суви қишин-ёзин оқади, жуда қулай, — кулимсиради раис. Кейин тан олди: шу нарса хаёлимизга келмаганини қаранг. Қишлоқда нима кўп, зовур кўп. Ахир улар оқин сувли тап-тайёр ҳовуз вазифасини ҳам ўтайди-ку?

Шаҳобиддин раиснинг розилигини олгач, 25 минг сўмнинг баҳридан ўтди. Балиқ урчитиш, кўпайтириш билан шуғулланадиган тадбиркорларни излаб топди. Улардан иккита идишда майда балиқ сотиб олди. Балиқчалар чиқиб кетмаслиги учун, зовурнинг икки томонини қалин сим тўр билан тўсиб, жониворларни сувга ташлади. Емишини вақтида берди.

— Дўппи бир айлангунча катта бўларкан бу балиқ дегани, — нон ушоқларини ҳовузга ташлаганча ҳикоя қилади Шаҳобиддин. — Баҳорги балиқ саккиз ойнинг ичида бир ярим кило тош босаман деб турибди. Қўйиб берсангиз, янаям катталашади, семиради.

— Сир бўлмаса...

— Даромадга қизиқяпсизда-а? Тўрт тоннадан кам бўлмас.

Бозорда бир килограмм гўштнинг нархи ҳаммага маълум. Шунча миқдордаги луқмаи ҳалол энг арзон баҳода сотилганда ҳам, Шаҳобиддиннинг чўнтагига қанча пул келиб тушишлигини ўзингиз бир тасаввур қилинг. Чакки эмас-а?

Бу — масаланинг бир томони. Энди танганинг иккинчи томонини ағдариб кўрайлик. Юзлаб, минглаб одамлар ҳалол, тоза, шифобахш неъматдан баҳраманд бўлади. Бебаҳо, беназир таом қанчадан-қанча дастурхонни безайди, инсонлар кўнглини олади.

— Шаҳобиддин меҳнат орқасидан келадиган бойликдан ҳам кўпроқ савобнинг тагида қоладиган бўлди, — дейишмоқда ҳамқишлоқлари.

Савоб эса сотилмайди.

## ЧЎНТАККА ПУЛ, БОРДОНГА ДОН

Шаҳобиддиннинг ҳамқишлоғи — Солижон аканинг ҳаёт фалсафаси, маъмурчилик борасидаги фикр-мулоҳазаси, услуби эса тамоман ўзгача. У ердаги бойликни йиғиштириб олиш учун энгашмоқ зарур, дейди. Афсуски, айримлар, айниқса, бир гуруҳ ёшлар кўзлари очиқ, оёқ-қўли бут бўла туриб, ўша бойликни кўролмаётир. Бу кепатадаги кишиларда унча-мунча уқув, меҳнатга иштиёқ, ҳавас бўлганда борми, ҳамёни мўмай пул кўрарди, омбори донга тўларди.

Ўтган куни Солижон аканинг уйига арава тўла дон тушди. Хашак дегани кўчага сиғмай кетди.

— Бир парча ердан шунча ҳосил олдингизми? — ҳайратини яширолмади маҳалладошлар.

— Сиз айтганчаликмасдир, кам деганда бир гектар ер беради шунча донни, — деди-ю, Солижон ака мийиғида кулиб қўя қолди. Аслида, воқеа сал бошқачароқ бўлган эди.

Унинг суяги далада қотиб, умри кенг пайкалларда ўтаётгани учунми, ҳар бир қарич ернинг пасту баландини яхши билади. Қайси бурчак захкаш, қайсиниси тақир, қаери қора тупроқли эканини уйқусидаям айтиб бера олади. У буғдой ўрилаётган кезлари раисга кўндаланг бўлди:

— Шумқишлоқ атрофидаги ердан бир-икки калтак ташлатиб берсангиз, — деди у. — Дўппидай ерга кўчат қилиш учун шоли сепар эдим.

— Шоликорлик қиламан денг? Бу йил қишлоқдагиларнинг кўпи буғдойдан бўшаган ерларда шоли етиштирмоқчи.

Улар қўл олиб хайрлашди. Раис ваъдасида турди, Солижон ака аҳдида. Буғдой ўриб бўлиниши биланоқ, деҳқон томорқасидаги шоли майсасини ўзига ажратилган ерга олиб чиқди. Ўғил-қизлари, келинларини ёнига олиб, кўчат экди.

— Уруғлик шолини ерга сепгандан кейин қирқ кун ўтказмай, кўчат қилиш керак, — маслаҳат берди у атрофдагиларга. — Йўқса, кўчат қариб қолиб, тупламай қўяди. Тупламаган шолидан мўлжалдаги ҳосилни ололмайсиз.

— Шолини сепган яхшими ёки кўчатими? — сўрашди қўшни ёш деҳқонлар.

— Кўчат қилганга нима етсин! Ахир меваниям уламаси ширин бўлади, биродарлар. Биринчидан, ер муаммоси бўлмайди. Чунки шолини буғдойдан бўшаган майдонга такрорий экин сифатида экасиз. Иккинчидан, ўтоққа ҳожат қолмайди. Сабаби — кўчат олиш жараёнида уни бегона ўтдан тозалаб оласиз. Учинчидан, эркин ривож топган экин сепилганига қараганда бўлиқ ҳосил беради.

Солижон шоликор «Нукус» навидан етмиш центнерлик хирмон кўтарди. Айтишларича, донидан ажратиб олинган тоғ-тоғ похол тўрт-беш қорамолга кам деганда икки йилга емиш бўлармиш.

Уйида дони борнинг кўнгли ҳамиша тўқ бўлади. Маърака-ю йиғинларни қоқилмай ўтказади. Рўзғоридан ортганини бозорга чиқариб сотса, бели букилмаган юзталиклар ўзига қувват бўлади. Доннинг хосияти шу қадар улуғ.

## ТОҚҚА ЧИҚМАСАНГ, ДЎЛАНА ҚАЙДА?

— Биз бойлик орқасидан қувмадик, аксинча, бойликнинг ўзи бизга эргашди, — тутқич бермас хаёллар оғушида сўзлайди «Янгиқишлоқ» жамоа хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи Тўлқин Ҳайдаров. — Шу ишларни илгарироқ қилсак бўлмасмиди?

— Бўлмасди, — қатъий эътироз билдиради хўжалик агрономи Раҳмонжон Умаралиев, — шўролар даврида бирон қарич ерга ўзимиз эга бўлолмаганмиз. Эсингиздами, идоранинг олдидаги кичкинагина гулзорниям бузиб ташлаб, ўрнига пахта экқандик. Ундан бошқа экинни экиб кўринг-чи, бир зумда халқ душманига айланардингиз. Мустақил бўлганимиздан кейингина сизу бизга ўхшаганларнинг елкасига офтоб тегди. Қўлидан иш келганларга ер бериляпти, ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, сизга ҳам.

Ўшанда ёз эди. Буғдойга ўроқ тушганди. Тўлқинжон хўжалик бошқаруви раисидан такрорий экин экиш учун бир гектар ер сўради. У Солижон акага ўхшаб шоли экаман, демади, аксинча, маккажўхори экиш орзусида юрганлигини айтди.

— Гап йўқ, — розилик билдирди Турсунали раис.

Тўлқинжонга омад кулиб боққан эканми ёки астойдил ишлагани учунми, бир ҳосил бўлди денг. Уни йиғиштириб, янчиб, қопларга жойлаб олганидан кейин «Қаердасан, Қўқон», дея йўлга тушди. Бўйи узун, илиги бақувват қўйлардан тўрт-бешини сотиб олди. Уйига келтириб, қўрага қамади. Еганича ем-дон берди. Орадан уч-тўрт ой ўтгач, бояги қўчқорлар чунонам семирдики, қани энди думбасини ердан узиб бўлса.

* * *

Избосканлик уч ўғлон — Шаҳобиддин Юнусов, Солижон ака Абдурасулов, Тўлқинжон Ҳайдаров — юзлаб, минглаб замондошларимизнинг вакиллари. Улар, юқорида айтиб ўтганимиздек, ерга, сувга, она-табиатга меҳрини бериб, кам бўлмадилар. Аксинча, ҳалол меҳнатлари, тадбиркорликлари орқасидан бойбадавлат кишилар сафидан ўрин олдилар. Айни пайтда юртимиз маъмурчилиги, дастурхонларимиз хилма-хиллиги, тўкин-сочинлигига озми-кўпми ўз улушларини қўшдилар ва қўшмоқдалар ҳам. Бугун улар қишлоқ хўжалигининг кўпчилик эътиборига тушмаган қирраларига қўл урган эканлар, эртага янада залворли, тағин-да фойдали, умумманфаат йўлига хизмат қиладиган вазифалар ижроси орзусида нафас олмоқдалар.

**Шаҳобиддин Юнусов айтади:** биласизми, бир бош она қуён йилига 80 бош соғлом бола беради. Қуённинг териси бозорнинг арзанда матоҳи, гўшти ноёб, шифобахш. Шу боис, энди эътиборни қуёнчиликка қаратмоқдаман. Она қуёнлар сотиб олдик.

**Солижон ака Абдурасулов ундан бўш келмайди:** паррандачилик азалдан етти хазинанинг бири ҳисобланган. Ўрдак боқмоқчиман. Бу беозор парранда ортиқча емиш талаб қилмайди. Ариқ-зовур, анҳорлардан ризқ-насибасини ўзи топиб ейди.

**Тўлқин Ҳайдаров ҳам дилидагини яширолмайди:** буғдойдан бўшаган майдонда кунгабоқар парваришламоқчиман. Писта ёғига нима етсин! Кунжараси мол-қўйни семиртириб, ялтиратиб ташлайди.

—Истиқлол туфайли битмас-туганмас имкониятларга эга бўлган избосканлик қишлоқ тадбиркорлари оёқлари остидаги бойликларни ана шундай йўл билан йиғиштириб олмоқдалар.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида тузилган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисда Россия Федерацияси ҳукумат раиси ўринбосари В.Шербак бошчилигидаги делегация аъзолари ҳамда Ўзбекистоннинг қатор вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз делегациясига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов бошчилик қилди.

Мажлисда ўндан ортиқ масала кўриб чиқилди. Икки томон ҳам иқтисодий ҳамкорлик борасида эришилган ютуқлар, шунингдек, юзага келган айрим муаммолар хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этди. Томонлар мазкур комиссиянинг учинчи мажлисида имзоланган протокол қарорларининг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди. Сўнгра икки томонлама шартномалар, битим ва протоколлар инвентаризацияси, икки давлат ўртасида товар айирбошлаш, яъни пахта толаси эвазига Ўзбекистонга зарур моддий-техникавий ресурсларни келтириш ва давлатлараро "РосЎзАгромаш" молия-саноат гуруҳини тузиш бўйича ўзаро келишувни ҳаётга жорий қилиш, давлатлараро "Ильюшин" авиасозлик компаниясининг шаклланиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Шунингдек, ёқилғи ва энергетика, транспорт, илмий-техникавий соҳалардаги шериклик ҳамда мулкий муносабатларни мувофиқлаштириш масалалари бўйича ҳам ўзаро фикр алмашилди. Комиссия аъзолари Россия субъектларининг Ўзбекистон вилоятлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш тўғрисидаги битим ва 2000-2002 йиллар учун мўлжалланган гуманитар соҳадаги ҳамкорлик дастури лойиҳасини муҳокама қилди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон билан Россия ўртасида қарийб 150 га яқин ҳужжат имзоланган. Бундан ташқари, халқаро автомобил ва темир йўл алоқалари, сайёҳлик, транзит, божхона ва бошқа соҳаларда ҳукуматлараро, идоралараро ва минтақалараро ҳамкорлик тўғрисидаги қирқдан ортиқ ҳужжат тайёрланяпти.

Ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлиси якунида томонлар ҳукумат алоқаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекди.

Тадбир ниҳоясида Россия делегацияси раҳбари В.Шербак ЎзА мухбирига қисқача интервью берди:

— Аввало, шуни айтишим керакки, биз ўзбекистонлик ҳамкорларимиздан мамнун ва миннатдормиз. Ўзбекистон билан Россия ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳар икки давлат учун ҳам фойдалидир. Шу боис бугунги мажлисда биз олдимизда турган бир қатор масалалар хусусида фикр алмашдик. Менимча, бундай мажлиснинг ўтказилиши давлатларимиз ўртасида бирдамликни, дўстона алоқаларни, иқтисодий муносабатларни кучайтиради. Мен келажакда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланишига ишонаман.

**(ЎзА)**

# ЎЗБЕК КИНОФИЛЬМЛАРИ БУЮК БРИТАНИЯДА

Лондоннинг марказий кинотеатрларидан бирида илк бор ўзбек киносининг фестивали очилди. Бу фестивал ноябр ойи давомида Кембриж ва Оксфордда давом этади. 3 ноябр эса лондонлик киномухлислар хотирасида узоқ сақланса, ажабмас. Сабаби — шу куни «Керзон-Сохо» кинотеатрида ўзбек киноусталарининг турли йилларда суратга олинган бешта фильми намойиш этилди.

Ўзбек киносининг ривожига улкан ҳисса қўшган истеъдодли режиссёр Комил Ёрматов суратга олган «Алишер Навоий» бадиий фильми, Али Ҳамроевнинг «Еттинчи ўқ», Элёр Эшмуҳаммедовнинг «Севишганлар» ва «Нафосат» асарлари ҳамда Юсуф Розиқовнинг томошабинлар меҳрига тушган «Воиз» фильми лондонлик киномухлислар томонидан илиқ кутиб олинди.

— 8 кун мобайнида Лондон Халқаро кинофестивалининг 40 та фильмини кўрдим, лекин ўзбек киноусталари томонидан яратилган фильмлар менда ёрқин таассурот қолдирди, — дейди жаҳон кино фестивалининг Филадельфиядаги директори Филис Кауфман хоним.

Ташкилотчилар кинотеатр фойесида томошабинларни бир пиёла чойга таклиф қилиб, Шарқ қандолатлари билан меҳмон қилдилар. Энг муҳими, инглиз тилига таржима қилинган ушбу фильмларга берилган овозлар лазер субтитрлари ёрдамида ёзилди.

Ўзбек фильмларининг дунёга юз тутиши, Англиядай мамлакатда намойиш этилиб, зукко томошабинлар олқишига сазовор бўлиши истиқлолимиз шарофатидандир.

**А. ЖЎРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


# ASIAN DEVELOPMENT BANK-JAPAN SCHOLARSHIP PROGRAM
## (funded by the Government of Japan)

Qualified citizens of developing member countries of the Asian Development Bank, who intend to pursue post-graduate studies in selected disciplines are invited to apply for scholarships under the Asian Development Bank-Japan Scholarship Program. It is anticipated that upon successful completion of their graduate studies under the Program, the scholars will return to their countries and contribute to its socio-economic development. Scholarships are awarded for graduate studies at designated institutions in courses of study approved by ADB. The Program especially welcomes women applicants who are qualified but have limited financial means to obtain university education.

**THE SCHOLARSHIPS**

* Level of education: Post-graduate (Diploma, Masters and Doctorate degrees)
* Duration: From one to three years
* Coverage: Tuition fees, books, subsistence and housing allowance, insurance, economy airfare research subsidy

**ELIGIBILITY REQUIREMENTS**

Prospective applicants must:
* be a citizen of an ADB developing member country
* have at least two years work experience
* have gained admission to an approved course in a designated institution
* be in good health

(Staff of ADB and the designated the, institutions and their close relatives are not eligible to apply)

**APPLICATION REQUIREMENTS**

Applicants should:
* obtain application forms from the designated institutions of their choice
* submit the completed application form and required documentation to the institution
* indicate on the application form that the applicant wishes to be considered for an Asian Development Bank-Japan Scholarship

(From among those admitted by institutions, ADB will select candidates for award of scholarships. **A separate application to ADB is not necessary**)

**DESIGNATED INSTITUTIONS** — **APPROVED FIELDS OF STUDY**

1. **ASIAN INSTITUTE OF MANAGEMENT**
123 Paseo de Roxas, Makati City
Metro Manila, Philippines
Attn.: Admissions Director
Telephone No. (632) 893-7631/892-4011 to 25
FAX No. (632) 893-7631
URL: http://www.aim.edu.ph
Email: admissions@aim.edu.ph
— Business Management, Development Management, Management

2. **ASIAN INSTITUTE OF TECHNOLOGY**
P.O. Box 4, Klong Luang
Pathumthani, Thailand 12120
Attn.: Chief Admissions Officer
Telephone No. (662) 5126-0110 to 44
(662) 524-5031
FAX No. (662) 516-2126/(662) 524-6346
URL:http://www.ait.ac.th
Email: ascao@ait.ac.th; registry@ait.ac.th
— Science, Engineering and Technology including Computer Science & Information Management, Industrial Systems Engineering, Mechatronics, Telecommunications, Space Technology Applications & Research, Geotechnical & Transportation Engineering, Structural Engineering & Construction, Water Engineering & Management, Water Supply, Drainage & Sewerage Engineering, Management of Technology, International Business, Agriculture & Aquatic Systems Engineering, Natural Resources Management, Gender & Development Studies, Energy, Processing Technology, Urban Environmental Engineering & Management

3. **EAST-WEST CENTER/UNIVERSITY OF HAWAII**
1601 East-West Road, Honolulu
Hawaii 96848, U.S.A.
Attn.: ADB Scholarship Program Administrator
Telephone No. (808) 944-7597
FAX No. (808) 944-7070
URL:http://www.ewc.hawaii.edu
Email: adbjsp@ewc.hawaii.edu
— Agricultural and Resource Economics, Business Administration, Economics, Geography, Horticulture, Japan-focused Executive MBA, Ocean Engineering, Oceanography, Pacific Islands Studies, Public Administration, Sociology Urban and Regional Planning

4. **INDIAN INSTITUTE OF TECHNOLOGY, DELHI**
New Delhi 110016, India
Attn.: The Registrar
Telephone No. (91 11) 666-979
FAX No. (91 11) 686-2037
URL:http://www.iitd.ernet.in
Email: AR-PGS@admin.iitd.ernet.in
— Science and Technology

5. **INTERNATIONAL RICE RESEARCH INSTITUTE/ UNIVERSITY OF THE PHILIPPINES IN LOS BANOS**
P.O. Box 933, Manila, Philippines
Attn.: Director, Research and Training
Telephone No. (632) 845-0563/845-0569/845-05570
FAX No. (632) 845-0606/891-1292
URL:http://www.cgiar.org/irri
Email: Postmaster@irri.cgnet.com
— Fields related to Rice and Rice-Based Farming

6. **INTERNATIONAL UNIVERSITY OF JAPAN**
Graduate School of International Relations
Yamato-machi, Minami Uonuma-gun
Niigata 949-7277, Japan
Attn.: Office of GSIR
Telephone No. (81257) 79-1200
FAX No. (81257) 79-1187
URL:http://www.iuj.ac.jp
Email: admgsir@iuj.ac.jp
— International Development, International Relations

Graduate School of International Management
Yamato-machi, Minami Uonuma-gun
Niigata 949-7277, Japan
Attn.: Office of GSIM
Telephone No. (81257) 79-1500
FAX No. (81257) 79-4443
Email: admgsim@iuj.ac.jp
URL:http://www.iuj.ac.jp
— International Management

7. **LAHORE UNIVERSITY OF MANAGEMENT SCIENCES**
Opposite Sector 'U', LCCHS
Lahore Cantt. 54792
Lahore, Pakistan
Attn.: Senior Manager Student Affairs
Telephone No. (9242) 572-2670 to 2679
FAX No. (9242) 572-2591
URL:http://www.lums.edu.pk
Email: admission@lums.edu.pk
— Business Administration

8. **NATIONAL CENTRE FOR DEVELOPMENT STUDIES/ AUSTRALIAN NATIONAL UNIVERSITY**
GPO Box 4, Canberra ACT 0200, Australia
Attn.: Program Director
Telephone No. (612) 6249-4705
FAX No. (612) 6257-2886
URL:http://www.ncdsnet.anu.edu.au
Email: Billie.Headon@anu.edu.au
— Economics of Development, Development Administration, Environmental Management & Development, Infrastructure Management

9. **NATIONAL GRADUATE INSTITUTE FOR POLICY STUDIES**
(formerly the Graduate School of Policy Science of the Saitama University)
2-2 Wakamatsu-cho, Shinjuku-ku
Tokyo 162-8677, Japan
Attn.: Admissions Officer
Telephone No. (813) 3341-0297
FAX No. (81-3) 3341-0590
URL:http://www.grips.ac.jp
Email: admissions@gripsac.jp
— Public Policy, Development Studies, Transition Economy & Taxation

10. **NATIONAL UNIVERSITY OF SINGAPORE**
10 Kent Ridge Crescent, Singapore 119260
Attn.: Director, Graduate School of Business
Telephone No. (65) 874-2068/874-6149
FAX No. (65) 778-2681
URL:http://www.fba.nus.edu.sg/postgrad/gsb
Email:gsbtantk@nus.edu.sg
— Business Administration, Management of Technology, Social Sciences (Economics)

11. **SAITAMA UNIVERSITY**
Department of Civil & Environmental Engineering
255 Shimo-Ohkubo
Urawa City 338-8570, Japan
Attn.: The Foreign Student Office
Phone/FAX No. (81-48) 858-3555
URL:http://www.civil.saitama-u.ac.jp/fso/fso.html
Email: fso@sun.civil.saitama-u.ac.jp
— Civil and Environmental Engineering and Related Subjects

12. **THAMMASAT UNIVERSITY**
2 Prachand Road, Bangkok 10200, Thailand
Attn.: Vice-Rector for Academic Affairs
Phone/FAX No. (662) 2230194
URL:http://www.tu.ac.th/org/grad/grad.htm
Email: tureview@alpha.tu.ac.th
— Economics, Engineering

13. **UNIVERSITY OF AUCKLAND**
Private Bag 92019, Auckland, New Zealand
Attn.: International Student Officer
International Student Office
Telephone No. (649) 373-7513
FAX No. (649) 373-7405
URL:http://www.auckland.ac.nz
Email: international@auckland.ac.nz
— International Business, Development Studies, Environmental Science and Management, Engineering, Public Health

14. **UNIVERSITY OF HONG KONG**
Pokfulam Road, Hong Kong, China
Attn.: Executive Officer, Research Services Section, Registry
Telephone No. (852)2859-8039
FAX No. (852) 2803-0558
URL:http://www.hku.hk
Email: rss@reg.hku.hk
— Urban Planning, Urban Design

15. **UNIVERSITY OF MELBOURNE**
Parkville, Victoria, 3052 Australia
Attn.: Melbourne Scholarships Office
Telephone No. (613) 9344 9502
FAX No. (613) 9349 1740/9349 2103
URL: http://www.unimelb.edu.au
Email: pgrad@scholarships.unimelb.edu.au
— Business Administration, Commerce (specializing in Economics), Engineering, International Business, Public Health, Agribusiness, Agricultural Science, Forest Science

16. **UNIVERSITY OF SYDNEY**
Email: pgrad@scholarships.unimelb.edu.au
The International Office
Sydney 2006, Australia
Attn.: International Scholarships Officer
Telephone No. (612) 9351-2778
FAX No. (612) 9351-4013
URL: http://www.usyd.edu.au/su/io/scholarships/
Email: infoschol@io.usyd.edu.au
— Business Administration, Economics, Commerce (including International Business, Transport Management, Public Health

17. **UNIVERSITY OF TOKYO**
Hongo, Bunkyo-ku,Tokyo 113-8656, Japan
Attn.: Foreign Student Office
Department of Civil Engineering
Telephone No. (813) 5841-6141
FAX No. (813) 5841-8509
URL: http://www.civil.t.u-tokyo.ac.jp/index_j.htm
Email: maekawa@concrete.t.u-tokyo.ac.jp
— Civil Engineering and Infrastructure Development

Hongo, Bunkyo-ku,Tokyo 113-0033, Japan
Attn.: Director, School of International Health
Telephone No. (813) 5841-3531
FAX No. (813) 5841-3395
Email: adbjsp@humeco.m.u-tokyo.ac.jp
— Public Health (International Health)

FOR FURTNER INFORMATION, VISIT: ADB website: http://www.adb.org

